

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Сифатсиз дори воситалари айланиши учун жавобгарлик кучайтирилди

Республика Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 19 июнь куни Тошкент шаҳрида видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар бир қатор қонунларни кўриб чиқишди ва маъқуллашди.



Улар қаторида куйидагилар бор:

➤ **«Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонун.** Мазкур ҳужжат «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг мантқиқий давоми бўлиб, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлайди. Инновацион маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ҳамда қўллаш учун қулай муҳитни шакллантириш, инновацияларни жорий этишдан манфаатдорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали инновацион фаолият соҳаси ривожлантирилади. Қонунда инновация ва инновацион фаолият соҳасидаги ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий муносабатлар тартибга солинади. Бугунги кунда бор салоҳиятини намойён этиш, янги гоя ва ишланмалари билан жамият ривожига ҳисса қўшиш ниятида бўлган, баъзан ўз ишланmalarини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда қийналаётган жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, олимлар, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, айниқса, шижоатли ёшлар учун ҳуқуқий асос

бўлади. Қонунда инновация ва инновацион фаолиятта оид асосий тушунчалар, инновацион фаолиятнинг принциплари ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари белгиланмоқда;

➤ **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун.** Ҳужжат билан Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги каби қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, **Жиноят кодексининг** сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситалари айланиши билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар учун жавобгарлик кўрсатилган моддасига қўшимча киритилмоқда. Яъни таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланиб, айбдор 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келса, айбдор базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 10 бараваригача миқдорда жаримага тортилиши белгиланмоқда. Агар болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўққинлик қилинса, БҲМнинг 25 бараваригача миқдорда жарима белгиланиб, жавобгарлик кучайтирилмоқда;

➤ **«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун.** Ҳужжат энергетика тармоқларида ҳосил қилинаётган электр ва иссиқлик энергияси, ёқилғи ва бошқа ноанъанавий энергия ресурсларидан иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳада

янада оқилона ва самарали фойдаланиш, қолаверса, энергия ресурслари истеъмолнинг самарадорлиги ва замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш хизматларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадларини ўзида акс эттирган.

Шу билан бирга, Қонунда энергия самарадорлиги кўрсаткичларига товарларнинг мувофиқлиги бўйича мажбурий сертификатланиши тўғрисидаги норма белгиланмоқда. Бунда мутасаддиларга энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежай кўрсаткичларини аниқлаш методикасини ҳамда мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш, энергиядан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш юзасидан қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати тартибини белгилаш вазифалари юклатилмоқда;

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли

2-бетда

ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

Экспертиза сифатини қандай яхшилаш мумкин

Бир томондан автомобиль саноатининг ривожланганлиги, бошқа томондан – криминал гуруҳларнинг устомонлиги, жиҳозланганлиги, қолаверса уларнинг транспорт воситаларини маркалаш тузилмаси ва хусусиятларидан яхши хабардорлиги кўп ҳолларда экспертга кузовга қўйилган маркалаш белгиларини тадқиқ этиш йўли билан транспорт воситаси идентификация рақами мазмунини аниқлаш имконини бермайди. Бундан ташқари, жиноятчилар автомобилларни маскировка қилишда устаси фаранг бўлиб кетишган. Олдинлари улар кузовдаги (шассидаги) маркалаш рақамларини шунчаки уриб чиқишган бўлса, кейинги вақтларда бу мақсадлар учун компьютер технологияларидан фойдаланишмоқда. Масалан, транспорт воситаларининг электрон бошқарув блокларида идентификацион рақамларни алмаштиришади.

Автомобиль маркасини ўзгартиришнинг асосий усуллари

Маркалаш белгиларини атайлаб, онгли равишда ишлаб чиқарувчи заводлардан ташқарида ўзгартириш усулларини ишлаб чиқарувчи корхонада хатолик билан қўйилган айрим белгилар ёки барча маркалашни тузатишдан фарқлай билиш лозим. Унинг ўзгартирилгани тўғрисида гувоҳлик

берувчи аломатлар аниқланган тақдирда, бундай ўзгартириш ниманинг натижасида юзага келганини аниқлаш мумкин масала ҳисобланади.

Бундай тузатишларнинг бир қисми хатолик туфайли ишлаб чиқарувчи корхонада қўлда ўйиб киритилганда ёки шу билан

3-бетда

Ушбу сонда:

4-БЕТ

Самарқандга борганда паспортини йўқотдим

6-7-БЕТЛАР

ХКни МЧЖга айлантириш қадамлари

8-БЕТ

1 сентябргача барча маълумотлар ЯММТга киритилиши лозим

Сифатсиз дори воситалари айланиши учун жавобгарлик кучайтирилди

1-бетда
ХИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонун. Мазкур Қонунда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун. Мазкур Қонунда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни назарда тутди. Хусусан, вояга етмаган маҳкумларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларида чекловлар бекор қилинмоқда. Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан учрашувларининг алоҳида тартиби белгиланмоқда. Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичида 4 марта муддати 5 суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, шунингдек, манзилли колонияларда сақланаётганларга эса муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилмоқда. Маҳкумларни жазо ўташи даврида адолатли мезонлар асосида рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби ҳамда рағбатлантириш чораларини қўллаш комиссиясининг иш фаолияти ва уларнинг аниқ вазифалари белгиланган берилмоқда.

Шунингдек, Қонун билан жазо муддатини ўташ давомида маҳкумларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилмоқда. Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида уларни тинтув қилиш вақтида жисмоний куч ва махсус воситалар асосида қўлланилишининг олди олинмоқда.

Қонун билан Жиноят-ижроия кодексининг 76-моддаси тўлдирилиб, маҳкумларнинг илтимосига кўра учрашувлари ва телефон орқали сўзлашувларини кўпайтириш ҳамда видео-учрашувлар билан алмаштириш тизими жорий этилмоқда.

» **«Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашда иштирок этиши тўғрисида»**ги Қонун муҳокамасида унинг аксарият нормалари реал ҳаёт муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солмаслиги, уларнинг асосий қисми тўлиқ ифодаланмаганлиги, белгиланган тадбирларнинг амалга ошириш механизмлари мавжуд эмаслиги алоҳида қайд этилди. Хусусан, Қонуннинг 7-моддасида фуқаролар жамоат тартибини сақлашда иштирок этганда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиши белгиланган бўлса-да, Қонунда уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилмаган.

Шу билан бирга, жамоат тартибини сақлашда иштирок этувчи шахсларнинг реестри ва уни юритувчи органлар фаолияти билан боғлиқ масалалар назарда тутилмаган ҳамда Қонуннинг 8-моддасида жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштирок этиши билан боғлиқ чекловлар тўлиқ кўрсатилмаган.

Шунингдек, Қонунда фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашга кўмаклашиш мақсадида жамоат тузилмалари тузиш ва уларнинг фаолиятида қатнашиш, жамоат тартибини сақлашда яқка тартибда ёки жамоа бўлиб иштирок этиш билан боғлиқ шакллар баён этилмаган.

Сенаторлар томонидан Қонуннинг айрим моддаларида фуқароларнинг бевосита ҳуқуқларига оид масалаларни очиб бермасдан, давлат органлари ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгилаб ўтилганлиги ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиши лозим бўлган қонун нормаларининг қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши ёки қонунда акс эттирилмаслиги тор доирадаги идора манфаатларини ва қисқа муддатли мақсадларни кўзлаши мумкинлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, аксарият ҳолларда ижтимоий муносабатлар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши қонунларнинг мақоми кучсизланишига, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларнинг йўқлигига, масалаларни комплекс ёндашмай тарқоқ ҳолда ҳал этишга олиб келади. Қонун нормаларини тўлиқ очиб бермаслик ва амалга ошириш механизмларини акс эттирмаслик ҳуқуқий зиддиятлар ҳамда суиистеъмолчиликларни келтириб чиқариши, бюрократик тартиб-таомилларни кучайтириши, қонунларни четлаб ўтишга қаратилган кўплаб қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу жиҳатдан сенаторлар томонидан Қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Юқори палата аъзолари **Вазирлар Маҳкамасига чиқиндилар билан боғлиқ масалаларда вужудга келган муаммолар ва уларнинг аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан парламент сўрови юбориш** тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан жорий йилнинг июнь ойида ўтказилган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг жойларда ижро этилиши ҳолатини ўрганиш жараёнида соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммо-

лар мавжудлиги аниқланган. Хусусан, масъул давлат органлари томонидан атроф-муҳитни асраб-авайлаш, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, уларни қайта ишлаш, чиқинди полигонларини санитария талаблари асосида ташкил қилиш ишлари етарлича мувофиқлаштириб борилмаган. Чиқиндиларни саралаш, тўплаш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш тўғри ташкил этилмаган.

Ҳосил бўлаётган саноат ва қурилиш чиқиндиларини ҳисоб-китоб қилиш ишлари, яъни тўплаш, жойлаштириш ва қайта ишлаш тизими бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Ҳар йили республикада 35 млн кубометрга яқин

Автомобиль йўлларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги оқибатида биргина 2019 йилда мамлакат бўйича жами 6 млн дан ортиқ йўл ҳаракати қоидабузарлиги қайд этилган. Оқибатда 8 588 та ИТХ содир этилиб, уларда 7 943 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 096 нафар шахс ҳалок бўлган. 2020 йилнинг биринчи чорагида эса 1 229 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 376 нафар фуқаро вафот этган.

Таҳлилларга кўра, қоидабузарликларни автоматик аниқлайдиган фото ва видео мосламалар, шунингдек, онлайн режимда ишловчи фото ра-



маиший, 100 млн тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси ҳосил бўлади. Унинг 10 фоизи ҳам қайта ишланмайди. Ушбу йўналишда замонавий бошқарув шакллари ва усуллари етарлича жорий этилмаганлиги қайта ишлаш корхоналаридан самарали фойдаланиш имконини бермапти.

Ўрганиш жараёнида республикада фойдаланиб келинаётган 195 та қаттиқ маиший чиқинди полигонининг ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Натижада қаттиқ маиший чиқинди полигонларидан фойдаланиш борасида қатор муаммолар мавжудлиги ва чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан тегишли чоралар кўрилмагани маълум бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу ҳудудларда яшовчи аҳоли орасида турли юқумли касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга асосан ушбу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

дарлар ўрнатиш билан боғлиқ ишлар сууст олиб борилмоқда. Бундан ташқари, автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини ахборотлар билан таъминлаш, йўл бўйидаги инфратузилмани халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб масалаларга лозим даражада эътибор қаратилмаган.

Шу каби камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида сенаторлар янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш кераклигини таъкидлашди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат аъзолари тегишли қарорлар қабул қилишди.

Ялли мажлисда Сенат аъзолари 16 та масалани, шу жумладан, 9 та қонунни кўриб чиқди, шундан биттаси рад этилди.

ЎЗР Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати материали асосида.
ЎЗА.

УШБУ СОНДА

• **ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ**

- Сифатсиз дори воситалари айланиши учун жавобгарлик кучайтирилди
1-2-бетлар

• **ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН**

- Экспертиза сифатини қандай

яхшилаш мумкин **1, 3-бетлар**

• **НОРМАТИВ ЛОЙИҲА**

- Кўчмас мулк бозори шаффоф бўлади
4-бет

• **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**

- Паспорт - прописка қилинган жой бўйича

- Қарздорнинг чиқишига чеклов

- Бошпана олиш ҳуқуқи

- Ёзма хабарнома юборилиши керак
4-5-бетлар

• **ҲУЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**

- Қандай қилиб хусусий корхонани

МЧЖга айлантириш мумкин

6-7-бетлар

• **ИШ БЕРУВЧИ ЭЪТИБОРИГА**

- Бир хатога - икки жазо **7-бет**

• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**

- ЯММТда ишлаймиз
 - Қачон таътил стажга қўшилади
8-бет

Экспертиза сифатини қандай яхшилаш мумкин



1-бетда

бирга маркалаш маълумотларини қалбакилаштиришда ҳам юзага келади. Тузатишларнинг бошқа қисми – фақатгина қалбакилаштиришда амалга оширилади. Қалбакилаштирилганларни эксперт-криминал бўлимасида тегишли текширувларни ўтказгандан кейин аниқлаш мумкин бўлади.

Маркалашни ўзгартиришнинг асосий усулларини шартли равишда 2 та гуруҳга ажратса бўлади.

Бирламчи маркалашни йўқ қилишга қаратилган **биринчи гуруҳ** усулида маркалаш панелининг маълум участкаси, қисми ёки бутунлай ўзи йўқ қилинади ва улар бошқалари билан алмаштирилади. Автомобилни бу ҳолда идентификация қилиш учун комплекс таҳлил зарур бўлади.

Иккинчи гуруҳдаги ўзгартириш усуллари қўлланилганда бирламчи маркалаш ва унинг аниқлаш мумкин бўлган излари сақлаб қолинади. Бу гуруҳга маркалаш маълумотларини ўзгартиришнинг қуйидаги кенг тарқалган усуллари киради:

- бирламчи маркалаш белгиларида етишмовчи унсурларни ҳосил қилиш, улар бирламчи маркалаш белгиларининг устки қисмида талаб қилинадиган (иккиламчи) маркалаш белгиларига ўхшаш чизгиларга эга бўлади (*масалан*: 1-4, 6-8, 3-8);

- бирламчи маркалашнинг алоҳида белгиларини зарблаш (зарб қилиш) ва улар ўрнига бошқа белгиларни қўйиш. Белгиларнинг ортиқча унсурлари пластик массалар билан тўлдирилади ёки эритиб қўйилади ва бўялади (*масалан*: 4-1, 8-3);

- маркалаш участкасининг ўйилиши, бирламчи маркалаш устига металл қоплама ёки пластик массани ётқириш ва ҳосил қилинган талаб қилинаётган (иккиламчи) маркалаш рельефи устига кейинчалик кузов участкасини бўёқлаш орқали ўрнатиш;

- маркалаш участкасининг ўйилиши ва бу жойга бошқа маркага эга бўлган панель участкасини ўрнатиш (пайвандлаш ёки елимлаш орқали).

Кузов маркалашнинг ўзгартирилишидан дарак берувчи аломатларга қуйидагилар киради:

- белгиларнинг ноаниқ қўйилганлиги, уларнинг вертикал алмашинуви, турли интерваллар ва ўйимлар, белгилар конфигурациясининг намуналардан фарқланиши, белгилардаги бегона ажраткичлар;

- эмаль қопламаси тагида устки қисмга ишлов берилганлик излари, қоплама қалинлигининг катталашуви, шунингдек маркалаш участкасида шпаклёвка қолдиқлари ёки бошқа материалларнинг мавжуд бўлиши;

- маркалаш панели ва унга ёндош участкалар лок-бўёқ қопламасидаги фарқланишлар, яқин турувчи деталларда эмаль қипиқлари (парчалари) изларининг бўлиши;

- маркалашнинг унинг панель орқа томонидаги тасвири билан мос тушмаслиги, белгиларнинг зарб қилиниши излари, панель қалинлигининг катталашуви;

- маркалаш панелида пайванд чокларининг бўлиши, панелларнинг пайванд чоклари билан уланганлиги, пайванд нуқталарини парламаш излари ва нуқтали контакт пайвандлаш имитацияси (ёриқларнинг қалай эритмалари ёки жез билан тўлдирилиши) ва ҳ.к.

Маркалаш маълумотларининг қалбакилаштириш усулларини лок-бўёқ қатлами остидаги металл таркибида «ташқи бузулишлар»ни излаш ва таҳлил қилиш услублари белгилаб беради, уларга пайванд чокларининг мавжуд бўлиши, белгиларнинг шпаклёвка қилинган унсурлари, нуқтали пайванднинг имитацияси ва шунга ўхшашлар киради.

ни қайта тиклашнинг энг кенг тарқалган классик усули ҳисобланади.

Лекин биргина ўзгаришга юз тутган белгилар ва завод лавҳаларига эга маркалаш майдончаларини тадқиқ қилиш амалиёти маркалаш маълумотларини қалбакилаштириш борасидаги масалани ҳал этиш, транспорт воситасини ҳисоблар бўйича текшириш ва ҳ.к. учун зарур бўлган ахборотни олиш имкониятини пасайтиради. Транспорт воситаларининг маркалаш маълумотларини тадқиқ этиш масаласига кенгроқ ёндашиш керак. **Фақат комплекс ёндашувгина тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини таъминлаб беради.** Бунда мазкур автомобилни тавсифлайдиган хусусиятларнинг муайян мажмуасини пухта таҳлил қилиш назарда тутилади. Яъни:

- транспорт воситасининг рўйхатга олиш ҳужжатларини тадқиқ этиш;

- автомобиль ишлаб чиқарилган йил, унинг модели, ва агар имкони бўлса, модификациясини, шунингдек кузов деталлари ва асосий бутлов узеллари ва автомобиль модели агрегатларининг у ишлаб чиқарилган йилга мувофиқлигини ўрнатиш;

- лок-бўёқ қопламаси ва қайта бўёш ёки таъмирдаги бўёқлашни кўздан кечириш ҳамда зарурат бўлса, тадқиқ қилиш;

- транспорт воситасининг модели ва ишлаб чиқарилган йилдан келиб чиқиб маркалаш жойлашувини аниқлаш;

- маркаланадиган деталларнинг (панелларнинг) уларга туташ деталлар билан уланишини, заводдаги лавҳалар маҳкамланишини тадқиқ этиш;

- қўшимча ва ёпиқ маркаларни тадқиқ этиш;

- маркаланадиган деталлар бутлигини тадқиқ этиш;

- маркаланадиган майдончалар хусусиятларини, юза қатламлар фактураларини тадқиқ этиш;

- маркировканинг ўзини тадқиқ этиш (мазмунини, уни амалга ошириш усули, конфигурацияси, ўзаро боғлиқ ҳолда жойлашуви ва ҳ.к.);

- унинг ўзгарганлиги аломатлари мавжуд бўлганда бирламчи маркалашни аниқлаш.

Шу муносабат билан транспорт воситаларидаги маркировкалашни тадқиқ этишга ёндашувни қайта кўриб чиқишга зарурат юзага келди. Ҳозирги вақтда транспорт воситаларининг маркировкаланадиган белгиларини эксперт тадқиқ этиш мустақил мақомга ҳам, суд экспертизаларини таснифлашда алоҳида ажратилган тегишли ўринга ҳам эга эмас, автомобилнинг бирламчи маркалаш белгиларини ўрнатиш бўйича замонавий хусусий услубияти ҳам ишлаб чиқилган эмас. Бундан ташқари, шундай тадқиқотларни ўтказишда, шунингдек экспертизаларни ўтказиш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни олиш мақсадида халқаро ҳамкорлик соҳасида ҳуқуқий ва ташкилий хусусиятдаги ечилмаган масалалар мавжуд.

Вахोलанки, транспорт воситаларининг маркировкаланадиган белгиларини тадқиқ этишнинг ҳозирги ҳолати янги услубиятларни ишлаб чиқиш

ҳамда ўғирланган транспорт воситаларини идентификация қилиш учун экспертиза имкониятларидан кенг фойдаланишга имкон беради.

Эксперт амалиётига янги илмий ютуқларнинг жорий этилиши билан транспорт воситаларининг маркировка белгиларини тадқиқ этишда ҳар турли тадқиқотларнинг мажмуаси кўпроқ қўлланила бошлади. Комплекс ёндашув трасология, автотехника, кимё билимларидан фойдаланиш, ҳужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқотини ва транспорт воситаларини ишлаб чиқариш технологиясини, шунингдек компьютер-техник экспертизани қўллашни талаб қилади. Тадқиқотта комплекс тарзда ёндашилганда турли хил илм-фанларнинг ўзаро мувофиқлиқда қўлланиши таъминланади. Тадқиқот ўтказиш учун экспертларнинг бисотида ҳам аввалдан мавжуд бўлган, ҳам нисбатан яқин вақт орасида аҳамиятли мавқега эга бўлган қуйидаги комплекс услубият ва усуллар бор: расмий дилерларнинг маълумотлар базасидан фойдаланиш, хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларни бошқаришнинг электрон блокларини диагностика қилиш техник услубияти, магнит толали услуб ва бошқалар. Шунинг учун **транспорт воситалари маркировка белгиларини тадқиқ этишни экспертизанинг мустақил турига ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.**

Бундай тадқиқот маркалаш асплиги ва бирламчи маркалаш белгиларининг мазмуни масаласини ҳал этиш, ва, зарурат бўлган тақдирда, транспорт воситаларини олиб қочилган ва ўғирланган автомобиллар ҳисоби бўйича текшириш учун сўровнома тузиш имконини беради.

Таисия Ромаданова,
Х.Сулаймонова номдаги РСЭМнинг суд-баллистик ва трасология экспертизаси лабораториясининг етакчи эксперти.

Тадқиқотда замонавий имкониятлар

Транспорт воситаларини маркалаш белгиларини экспертизадан ўтказиш ҳолатига илмий-техник тармоқларнинг ютуқлари таъсир кўрсатади, улар экспертизадан ўтказилаётган объектларни тадқиқ этишда қўлланиладиган замонавий услубларда акс эттирилади.

Бир қатор ҳолатларда маркалаш ўзгартирилганлигини аниқлаш мушкуллик туғдирмайди, уни эътибор билан назар ташлаганда кўз билан кўриш мумкин бўлади. Ўзгартирилган маркалаш белгиларининг бирламчи аломатларини аниқлаш мураккаброқдир. Бундай вазиятларда, аввало, тадқиқотнинг инструментал услублари сифатида назоратнинг объектини бузмайдиган замонавий жиҳозларидан фойдаланилади. Тадқиқот мазкур услубларининг, масалан дейлик, кимёвий услубдан яққол афзал томони шундаки, унда объектнинг бирламчи хоссалари йўқ бўлиб кетмайди, уларни кўп маротаба қўллаш мумкин бўлади. Яъни такрорий тадқиқотлар ўтказилган ҳолларда уларни қайта текшириб олиш имкониятининг борлигидир.

Инструментал услубларнинг яққол афзаллиги – оддийлиги ва кўзга ташланиб туришида. Шу билан бирга кимёвий услуб бирламчи маркалаш белгилари-

«КОРХОНА ЮРИСТИ» NORMA

электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Кўчмас мулк бозори шаффоф бўлади

ҚХТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг ягона электрон мультитизимини яратиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Лойиҳа бозор нархларини шакллантиришнинг очиқ-ошкоралигини ҳамда республика ҳудудида реал вақт режимида сотиладиган барча кўчмас мулк ҳақида ишончли маълумотлар олишни, шунингдек реалторлик фаолиятини тақомиллаштириш ва янада ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган.

Лойиҳада қуйидагилар назарда тутилган:

➤ 2020 йил 1 декабрга қадар Риэлторлик фаолиятининг ягона электрон мультитизимини (кейинги ўринларда – ЯЭМТ) яратиш ва ишга тушириш;

➤ ЯЭМТни ишлаб чиқиш юзасидан давлат буюртмачиси ҳисобланган Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Миллий мультитизимини» ДУК тузилмаси электрон хизматлар миллий тизимида ЯЭМТ интеграциялашувини, унинг бевосита бошқарувини ва узлуксиз хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Республика ҳудудида фаолият юритадиган реалторлик ташкилотла-

ри ЯЭМТ ишга туширилганидан кейин бир ой мобайнида унга уланишлари лозим. Акс ҳолда уларнинг фаолияти ноқонуний ҳисобланади.

Лойиҳа 2 та ҳужжатни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ягона электрон мультитизимини яратиш тартиби ва ташкилий асослари тўғрисидаги низом, унда ЯЭМТни яратиш мақсади ва принциплари, уни яратиш, фаолиятини бошқариш ва иш сифати кўрсаткичларини бошқариш тартиби белгиланган.

Низомга мувофиқ ЯЭМТ бу кўчмас мулк бозорида мавжуд ахборотларни тўплаш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш ва фойдаланишга имкон берадиган ахборот ресурслари, ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий-аппарат воситалари ва алоқа воситаларини ташкиллаштирилган ҳолда тартибга солинган жамламасидир.

ЯЭМТда фақат тизимда рўйхатдан ўтказилган унинг операторлари – кўчмас мулк бозорининг профессиона-



иштирокчилари (риэлторлик ташкилотлари) фаолият юритиши мумкин.

ЯЭМТ фаолиятини тартибга солиш учун «Миллий мультитизимини» ДУКда кузатув кенгаши шакллантирилади, ушбу кенгаш таркиби Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан сайланади ва тасдиқланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ягона электрон мультитизимини уланиш ва фаолият юритиш тартиби тўғрисидаги низом, унда ЯЭМТда

кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш тартиби, ЯЭМТдан фойдаланадиган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Эльмира Сиразиева.

Паспорт – прописка қилинган жой бўйича

Самарқандга кейинчалик институтлардан бирида ўқитувчи бўлиб ишлаш мақсадида қариндошларимникига доимий яшаш учун келдим. Бухоро шаҳридаги паспорт столида ҳисобдан чиқдим. Бироқ Самарқандга келгач, паспортимни йўқотиб қўйдим ва карантин тўғрисида янги яшаш жойимда рўйхатга тура олмадим. Ҳозирги пайтда паспортсиз яшайман ва рўйхатга турмаганман.

Нима қилишим керак?

– Республиканинг бошқа ҳудудларидан доимий яшаш жойига келган ва янги яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганга қадар паспортини йўқотиб қўйган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг аризаларига кўра ички ишлар органлари томонидан паспорт йўқолгани ҳақидаги иш очилади. Паспортлар фуқаро доимий яшаш мақсадида келган жойдаги ички ишлар органлари томонидан уларни рўйхатга қўйиш асослари мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Янги яшаш жойи бўйича рўйхатга олишга асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда паспорт олиш тўғрисидаги ариза рад этилади. Бундай ҳолларда

паспорт рўйхатдан чиқишни бекор қилган ҳолда фуқаронинг олдинги рўйхатдан ўтган жойидаги ёки рўйхатга қўйишга асослар мавжуд бўлганда бошқа янги рўйхатдан ўтиш жойидаги ички ишлар органи томонидан берилади (Низомнинг 35-4-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Шу тариқа, Самарқанд шаҳрида рўйхат туришингиз мумкин бўлган яшаш жойингиз бўлса, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига паспорт йўқолганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш лозим. Бундан кейин сиз рўйхатга турган жойингиз бўйича паспорт олишингиз мумкин.

Қарздорнинг чиқишига чеклов

Собиқ турмуш ўртоғим – Россия фуқароси. 3 ёшлиқ фарзандимиз бор. Суднинг қарорига мувофиқ турмуш ўртоғим болага алимент тўлар эди. Бироқ карантин тўғрисида тўловлар тўхтаб қолди. Оммавий ахборот воситаларида ёзилишича, Россия фуқаролари Россия авиакомпанияси самолётлари билан олиб чиқилаётган экан. Собиқ турмуш ўртоғим болага умуман ғамхўрлик қилмаслигини ҳисобга олган ҳолда, уни Россия Федерациясига ноқонуний кириши эҳтимолдан холи эмас.

Мазкур ҳолатда қандай йўл тутишим керак?

– Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар ихтиёрий равишда бажариш учун белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли (Низом-



нинг 5-банди, 1-илова, АВ томонидан 12.11.2019 йилда 3196-сон билан рўйхатдан ўтказилган).


Ижро ҳужжатидаги талабларни қарздор томонидан ижро этиш муддати ижро иши юритиш кўзга-тилган кундан 15 кундан ошиб кетмайдиган ижро иши юритишни кўзга-тиш тўғрисидаги қарорда давлат ижрочиси томонидан белгиланади (Низомнинг 6-банди).

Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан давлат ижрочисига тақдим қилинади. У қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашнинг асосланганлиги сабабини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Давлат ижрочиси қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни қўллаш тўғрисидаги ундирувчининг аризасини кўриб чиқиб махсус электрон тизим орқали қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарор қабул қилади ёки аризани қаноатлантиришни рад қилади ва ундирувчига ёхуд унинг вакилига ёзма ёки электрон шаклда асосланган жавоб юборади (Низомнинг 7-банди).

Давлат ижрочининг қарздор чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта давлат ижрочиси томонидан махсус электрон тизим орқали электрон шаклда тасдиқланади (Низомнинг 8-банди).

Қарзнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарор тасдиқлангандан сўнг чеклов қўйилганлиги тўғрисидаги маълумот Ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали автоматик тарзда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига ҳамда Чегара қўшинларига



ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

юборилади.

Қарздорга нисбатан чеклов қўйилгани тўғрисидаги маълумотда кўрсатиладиган ахборот томонлар ўртасидаги келишув ва техник йўриқномага асосан белгиланади (*Низомнинг 9-банди*).

Ижро ҳужжатларида қарздор ёки ундирувчининг (агар қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш ундирувчининг аризасига биноан қўлланилган бўлса) электрон почтаси ёки телефон (мобиль) рақами ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги хабарнома унинг жўнатилганлигини ва қабул қилиб олинганлиги фактини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёки мобиль алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) кўринишида йўлланади.

Қарздор ёки ундирувчи электрон почтаси орқали ёки SMS кўринишида юбориш имкони бўлмаган тақдирда, давлат ижрочиси томонидан қарор чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан қарорнинг кўчирма нусхалари яшаш манзили бўйича почта орқали қарздорга ва ундирувчига (агар қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш ундирувчининг аризасига биноан қўлланилган бўлса) юборилади (*Низомнинг 10-банди*).

Қарздор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, чеклов қўйилганлиги тўғрисидаги маълумот, кейинчалик тегишли органга маълумот бериш учун Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали автоматик тарзда давлат ижрочиси томонидан фақат МваФР бош бошқармасига юборилади (*Низомнинг 11-банди*).

Чеклов қўйилгани тўғрисидаги маълумот қабул қилинганлиги ҳақидаги электрон хабарнома МваФР бош бошқармаси ва Чегара қўшинлари томонидан Мажбурий ижро бюросига Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали юборилади. Қабул қилинган чеклов бир вақтнинг ўзида иккала идоранинг идоравий электрон базасига киритилади (*Низомнинг 12-банди*).

Ички ишлар органларининг МваФР бўлимлари (бошқармалари) ҳамда Чегара қўшинлари бўлинмалари суд ёки давлат ижрочиси томонидан қарздорга нисбатан қўлланилган вақтинча чеклов олиб ташланмагунга қадар қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига йўл қўймасликка мажбурдирлар (*Низомнинг 14-банди*).


Бошпана олиш ҳуқуқи

Яқин дўстларим – хорижий давлат фуқаролари. Ҳозирги пайтда улар ҳуқуқлари бузилиши сабабли ватанига қайтмоқчи эмаслар. Ўзбекистонда чет эл фуқароларига бошпана тақдим этиш тартиби назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари мавжудми?

– Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана ўзининг фуқаролиги бўйича мансуб давлатда ёки доимий яшаш жойида ижтимоий-сиёсий фаолияти, диний эътиқоди, ирқий ёки миллий мансублиги учун тақиб қилинаётган ёки тақиб қилишнинг жабрланувчиси бўлишига реал таҳдиддан, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларига назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилишининг бошқа ҳолатларидан бошпана ва ҳимоя излаётган шахсларга ва уларнинг оида аъзоларига **берилади** (*29.05.2017 йилдаги ПФ-5060-сон билан тасдиқланган Низомнинг 2-банди*).

Қуйидаги ҳолатларда Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана **берилмайди** (*Низомнинг 4-банди*):

➢ шахс Ўзбекистонда жинойат деб тан олинган ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун тақиб қилинаётган бўлса ёки БМТнинг асосий мақсад ва принципларига зид ҳаракатлар содир этишда айбдор бўлса;



Санжар Хўжаҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

➢ айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган ёки унга нисбатан қонуний кучга кирган ва Ўзбекистон Республикасида ижро этилиши лозим бўлган суднинг айблов ҳукми мавжуд бўлса;

➢ тақиб қилиниш хавфи бўлмаган учинчи давлатдан келган бўлса;

➢ у тақиб қилинмаётган учинчи давлатнинг фуқаролигига эга бўлса;

➢ била туриб ёлгон маълумотлар берган бўлса;

➢ иқтисодий, экологик ёки ижтимоий сабабларга кўра, шунингдек табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар муносабати билан фуқаролиги бўйича мансуб давлатга ёки доимий яшайдиган давлатига қайтиш имкониятига эга бўлмаса ёки қайтишни хоҳламаса.

Сиёсий бошпана кидираётган шахс вақтинча прописка расмийлаштирилгандан кейин ёхуд ушбу шахсга фуқаролиги бўйича мансуб давлатга ёки доимий яшайдиган давлатга қайтиш имкониятини бермайдиган ҳолатлар вужудга келган пайтдан бошлаб етти кун ичида ўзи турган жой бўйича ҳудудий ички ишлаш органларига Ўзбекистон Республикасининг Президенти номига ички ишлар томонидан тасдиқлангандиган шаклда ёзма илтимоснома билан шахсан мурожаат қилиши керак. Илтимосномада Низомнинг 2-бандида кўрсатилган ҳолатлар баён этилиши лозим (*Низомнинг 5, 6-бандлари*).

Илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

- анкета-ариза 2 та нусхада;
- таржимаи ҳол 2 та нусхада;
- 3,5 x 4,5 см ўлчамли 4 та фотосурат;
- Ўзбекистон Республикасининг тиббий муассасаларидан олинган тиббий маълумотнома;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилинади.

Илтимосномага ушбу масалага тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин (*Низомнинг 6-банди*).

Илтимоснома кўриб чиқилганлиги учун йигим ундирилмайди (*Низомнинг 14-банди*).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссия материалларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилиши учун Президентга таклиф киритади. Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан берилади (*Низомнинг 15, 16-бандлари*).

Ёзма хабарнома юборилиши керак

Ташкилотнинг солиқ тўловчи шахсий кабинетига солиқ хизматидан етказиб берувчилардан бири «шубҳали» солиқ тўловчи эканлиги ҳақида мактуб келиб тушди. Бундан кейин телефон орқали уни ҳисобдан чиқариш ва қўшимча тўлов тўлашни сўрашди.

Солиқ инспекцияси котрагент ташкилот уларнинг фикрича «шубҳали» эканлигини кўрсатиб, суммани ҳисобдан чиқаришни ва уни тўлашни талаб қилишга ҳақлими?

– Солиқ инспекцияси ёзма хабарномасиз телефон орқали қўшимча ҳисоблашни талаб этишга ҳақли эмас.

Товарлар ёки хизматларни олиш бўйича битимлар қалбаки ёки кўзб-

ўямачилик билан тузилганлиги натижасида ҳисобга олиш ҳуқуқи пайдо бўлганлигининг исботи бўлса, солиқ инспекцияси ҳисобга олинган суммани бекор қилишга ёки унга тузатиш киритишга ҳақлидир (*СК 266-м. 12-қ.*).



Бунда ҳуқуқни суистеъмол қилишнинг, битим қалбакилигининг (кўзбўямачилик учун тузилганлигининг) ҳолатларини аниқлаш, шунингдек уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Солиқ тўловчи

БИЗГА ЁЗГАН ЭКАНСИЗ

норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади (*СК 14-м. 8-қ.*).

Шу боисдан, солиқ инспекциясининг талабларидан норози бўлсангиз, битим қалбаки эмаслигини тасдиқловчи маълумотларингизни юборган ҳолда уларнинг талабларини рад этишингиз мумкин. Бунда солиқ инспекцияси судда ҳақлигини исботлаши лозим бўлади.

Альберт Сафин,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Қандай қилиб хусусий корхонани МЧЖга айлантириш мумкин

ЖШДС бўйича имтиёзни йўқотгач, кўп хусусий корхоналар мулкдорлари ўз бизнесининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини мақбуллаштиришни ўйлаб қолдилар. ХКни МЧЖга қайта тузишнинг босқичма-босқич йўриқномасини ҳужжатлар намуналари билан юридик масалалар бўйича «Норма» эксперти Элеонора Мазурова тайёрлади.

- Солиқ кодексининг янги таҳрири айрим нормаларни босқичма-босқич жорий этади. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб ЖШДС бўйича айрим имтиёзларни мақбуллаштириш мақсадида хусусий корхона мулкдори тасарруфида қоладиган фойда суммасини солиқ солишдан озод этиш бўйича имтиёз бекор қилинди. Энди ХК фойдаси дивидендларга тенглаштирилади (СК 41-м. 4-қ.) ва умумий асосларда солиқ солиниши лозим.

Илгари тадбиркорга хусусий корхона очиш фойдали бўлган, сабаби ўзининг фойдасидан фойдаланиш чоғида у ушбу фойдадан солиқ тўламаган. Сизга маълумки, ХК мулкдори учун қонунчиликда субсидиар жавобгарлик белгиланган. Яъни у корхона қарзлари бўйича ўзининг барча шахсий мол-мулки билан жавоб беради (ФК 329-м.; «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 3-м. 4-қ.). Бироқ тадбиркор бу таваккалчиликка онгли равишда борган, чунки тақдим қилинадиган имтиёз тарози палласини ўз фойдасига оғдирган.

Энди эса таваккалчилик ўзини оқламайди. Бунинг устига хусусий корхонада бўлган чекловлар муайян ноқулайликлар туғдиради. Маълумки, ХКда устав фонди бўлинмайди, фақат мулкдорнинг ўзи директор бўлиши мумкин ва у ўз корхонасини якка бошқариши керак. Агар устав фондиди шакллантиришда мулкдор корхонага ўз оиласининг умумий мулки бўлган мол-мулкни топширса, ушбу мол-мулкнинг барча эгаларининг нотариал тарзда тасдиқланган розилиги талаб этилади.

Хуллас, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш чоғида нималарни инобатга олиш лозим?

Қайта ташкил этишнинг қайси турини танлаган маъқул

Хусусий корхонани масъулияти чекланган жамиятга қайта тузиш уни қайта ташкил этишнинг мақбул тури ҳисобланади. Яъни битта юридик шахс тугатилади ва унинг негизда янгиси бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда барпо этилади.

Қайта ташкил этиш жараёнида янги таъсис ҳужжатлари ва устав шакллантирилади, бироқ бунда янги МЧЖ қайта ташкил этилган ХКнинг барча мажбуриятларини тўлиқ қабул қилади.

Қайта тузишнинг қайта ташкил этишнинг бошқа турларидан асосий фарқи шундаки, тартиб-таомилда фақат битта юридик шахс иштирок этади. Ва у тугагач яна фақат битта юридик шахс қолади. Шу боис қайта тузиш жараёнида қайта ташкил этишнинг бошқа турларида бўлгани каби шартнома тузиш шарт эмас. Қўшиб юбориш ва бирлаштиришда ҳар доим қайсидир босқичда камида иккита иштирокчи бўлади ва улар билан қайта ташкил этишнинг барча шартлари келишиб олиннадиган шартнома тузилиши лозим.

Қайта тузиш қандай амалга оширилади

Қайта тузишда бошқарув усули ва маъмуриятнинг ваколатлари ўзгаришини айтмаганда, корхона ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй бермайди. Бироқ ХКнинг оддий ходимлари учун барча таомил «оғирқисиз» кечади.

Қайта тузишни максимал даражада тез ва пухта ўтказиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:



- 1) ХКни МЧЖга қайта тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 2) ХК кредиторларини қайта ташкил этиш тўғрисида хабардор қилиш;
- 3) янги МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш;
- 4) кадрларга доир буйруқлар чиқариш;
- 5) ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувлар киритиш.

1-ҚАДАМ.

Қарор

Биринчи навбатда сиз, хусусий корхона мулкдори сифатида, уни масъулияти чекланган жамиятга қайта тузиш йўли билан қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласиз («Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 28-м.). Шу қарорнинг ўзи билан сиз топшириш далолатномасини тасдиқлайсиз ва илгари сиз томондан ХК устав фондига киритилган ҳисса энди МЧЖ устав фондига ҳисса ҳисобланишини белгилайсиз.

Шундан кейин сиз, МЧЖнинг ягона таъсисчиси сифатида, йиғилиш ўтказмайсиз, балки якка тартибда қарор қабул қиласиз ва унда:

- 1) янги тахрирдаги МЧЖ уставини тасдиқлайсиз;
- 2) янги ташкил этилган МЧЖ муҳри эскизини тайёрлайсиз ва тасдиқлайсиз (агар мавжуд бўлса);
- 3) устав фонди миқдорини белгилайсиз ва тасдиқлайсиз. Устав фондига пулсиз ҳисса қўшилган тақдирда, унинг пул баҳосини тасдиқлайсиз («Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 12-м.).
- 4) МЧЖ раҳбарини тайинлайсиз.
- 5) тафтиш комиссияси аъзоларини тайинлайсиз.

2-ҚАДАМ.

Кредиторларни хабардор қилиш

Кейинги босқичда сиз ХКнинг барча кредиторларига режалаштирилаётган қайта ташкил этиш тўғрисида янгидан ташкил этилаётган жамиятнинг барча маълумотларини кўрсатган ҳолда хабарнома йўллайсиз (ФК 52-м.; Низомнинг 28-б., ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Кредиторларни:

- > **my.gov.uz** Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ХКни МЧЖга қайта тузиш тўғрисида белгиланган шаклда хабар эълон қилган ҳолда;
- > почта орқали ёки курьер билан шахсий хабарномалар юборган ҳолда хабардор қилишингиз мумкин.

Босма ОАВда хабар эълон қилиш шарт эмас.

3-ҚАДАМ.

Давлат рўйхатидан ўтказиш

Шундан сўнг сиз қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан 30 кун мобайнида янгидан ташкил этилган МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказишингиз лозим. Қайта тузишда сиз ўзгартиришларни қайта рўйхатдан ўтказишингиз эмас, балки ташкил этилган жамиятни айнан рўйхатдан ўтказишингиз лозим.



Қайта ташкил этишда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш давлат хизматлари марказлари томонидан 66-сон Низом асосида амалга оширилади.

Жамиятни рўйхатдан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) шахсий кабинет орқали сўровни расмийлаштиринг ёки сизнинг қайта ташкил этилаётган юридик шахсингиз жойлашган жойдаги Давлат хизматлари марказига шахсан бориб мурожаат қилинг.

Аризмага қуйидагиларни илова қилинг:

- > давлат тилида МЧЖ устави;
- > қайта тузилаётган хусусий корхонанинг барча кредиторлар ва қарздорларга нисбатан барча мажбуриятлари, жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган топшириш далолатномаси;
- > рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи тўланганлигидан далолат берувчи ҳужжат.



Рўйхатдан ўтказиш учун ундирилдиган давлат божи суммаси унинг усулига боғлиқ. Шахсан бориш тартибидан у БМХнинг 1 бараварини ташкил этади, Интернет тармоғи орқали – 10% кам («Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 22-1-м.).

Ҳужжатларни 1 нусхадан илова қилинг. ЯИДХПдаги шахсий кабинет орқали рўйхатдан ўтказишда улар электрон шаклда, Давлат хизматлари марказлари орқали рўйхатдан ўтказишда эса – қоғоз шаклида топширилади.

Шахсан бориш тартибидан рўйхатдан ўтказишда яна жамият вакилининг шахсини (паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси) ва унинг ваколатини (директор тайинлаш тўғрисидаги буйруқ, ишончнома) тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёки банк тўлов ҳужжати нусхаси зарур бўлади.

4-ҚАДАМ.

Кадрларга доир ўзгаришлар

Қайта тузиш шаклидаги қайта ташкил этишда илгари тузилган жамоа шартномаси амал қилишини сақлаб қолади. Шунингдек, ХК ходимлари билан тузилган барча меҳнат шартномалари ўз кучини сақлаб қолади, сабаби қайта ташкил этишнинг ушбу тури уларни бекор қилиш учун асос ҳисобланмайди (МК 43, 98-моддалари). Шу боис сиз ХК ходимларини ишдан бўшатиб, уларни МЧЖга ишга янгидан қабул қилишингиз шарт эмас. Барча ходимлар бўйича умумий буйруқ қилиш ва унинг асосида ҳар бир ходимнинг меҳнат дафтаричасига битта корхонанинг бошқасига қайта тузилганлиги тўғрисида ёзувни амалга ошириш етарли бўлади. Бироқ, буни фақат ходим янги корхонада ўз ишини давом эттиришга рози бўлган тақдирда бажариш мумкин. Ёзма равишда розилик олиш мажбурий эмас,

сабаби меҳнат муносабатлари автоматик тарзда давом этади.

Агар ходим янги ташкил этилган корхонада ишлашни рад этса, меҳнат шартномаси унинг ташаббусига кўра бекор қилинади. Иш берувчи қайта ташкил этилганлиги муносабати билан ходимнинг ишни давом эттиришни рад этиши бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

Қайта тузишнинг ҳуқуқий оқибатлари

Активлар ва мажбуриятлар: барча мол-мулк ва мажбуриятлар янги ташкил этилган жамиятга ўтади, у ХКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига ворис бўлади.

Молиявий ҳисобот: молиявий ҳисобот 23-сон БХМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»

асосида амалга оширилади (АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1484-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Лицензиялаш: қайта тузишда лицензиянинг амал қилиши тўхтамайди, агар янги ташкил этилган жамият худди шу лицензияланадиган фаолият турини амалга оширсин. Бироқ амалдаги лицензияни МЧЖга қайта расмийлаштириш лозим («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-м. 1-қ.).

Кадрлар: қайта тузилган корхонанинг ходимлари янги ташкил этилган жамиятнинг ходимларига айланади, шу асосда меҳнат дафтаричалари ва меҳнат шартномалари янги таъсис ҳужжатларига мувофиқ келтирилади.

Қайта тузиш йўли билан қайта ташкил этиш маъмурият ташаббуси билан қайта ташкил этилган корхона ходимлари билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга асос ҳисобланмайди. Бироқ меҳнат муносабатлари фақат ходимнинг розилиги билан давом этиши мумкин.

Бир хатога – икки жазо

Интизомий жазо қўллашнинг ўзига хос жиҳатларини меҳнат ҳуқуқи бўйича «Ногма» эксперти Ленара ХИКМАТОВА тушунтирди.

- Айнан битта ноҳўя хатти-ҳаракати учун ходимни ҳам мукофотдан маҳрум қилиш, ҳам унга ҳайфсан эълон қилиш мумкинми?

- Ҳаммаси меҳнат интизомини бузган ходимни мукофотдан маҳрум қилиш сифатидаги таъсир кўрсатиш чораси ташкилотнинг локал норматив ҳужжати – жамоа шартномаси, мукофотлаш тўғрисидаги низом ва бошқаларда назарда тутилганлигига боғлиқ. Бунинг устига, фақат мазкур локал ҳужжатда уни бутунлай тўламаслик ёки миқдорини камайтириш мумкин бўлган аниқ қоида ва шартлар ёзилган тақдирда мукофотни тўламаслик мумкин.

- Сўндирилмаган интизомий жазо мавжуд бўлган тақдирда муайян давр учун мукофот тўланмаслиги локал тартибда белгиланган бўлса, ходимни – ҳайфсан, жарима ёки ишдан бўшатиш кўринишидаги жазога қўшимча равишда – мукофотдан маҳрум қилишга рухсат берилган. Бу меҳнат қонунчилигини бузиш ҳисобланмайди, сабаби мукофотлаш шартларини компания мустақил равишда белгилайди.

МКнинг 153-моддасидан келиб чиқиб, меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Шу тариқа, қонун иш берувчига фақатгина меҳнат жамоаси фикрини инобатга олиш зарурати билан чекланган, ўзининг мукофотлаш тизимини барпо этиш бўйича деярли тўлиқ эркинлик тақдим этган.

Мукофотдан маҳрум қилиш имкониятини Ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳам белгилаш мумкин. Масалан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланган Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юретиш шаклларида қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларининг 3.10-бандида бундай дейилади: «Ходимларга меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жавобгарликдан ташқари, локал ҳужжатлар билан бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилиши мумкин (мукофотдан, йиллик иш якунига кўра бериладиган қўшимча рағбатлантириш тўловларидан тўлиқ ёки қисман маҳрум қилиш)».

Агар ходим меҳнат интизомини бузган бўлса, битта буйруқ билан ходимга интизомий жазо бериш ва уни мукофотдан маҳрум қилиш мумкин. Буйруқни эркин шаклда расмийлаштириш мумкин, қонун ҳужжатлари бундай ҳужжатнинг бирхиллаштирилган шакли мавжуд эмас (buxgalter.uz сайтидаги

буйруқ намунасига қаранг).

Бунда унутмангки, **мукофотдан маҳрум қилиш – интизомий жазо тури эмас, балки ходимга мустақил таъсир кўрсатиш чорасидир.**

Меҳнат интизомини бузганлик учун ходимга нисбатан қўллаш мумкин бўлган интизомий жазонинг тўлиқ рўйхати МКнинг 181-моддасида келтирилган. Бу – ҳайфсан, жарима ва меҳнат шартномасини бекор қилиш. Мукофотдан маҳрум қилиш эса – ходимларнинг «чўнтагига таъсир кўрсатиш»нинг қўшимча усули.



Ходимга нисбатан интизомий жазо чорасининг қўлланиши айбдорга нисбатан меҳнат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган интизомий жазо ҳисобланмайдиган таъсир чораларини (мукофотдан маҳрум этиш, йиллик иш якунига кўра бериладиган қўшимча рағбатлантириш тўловларидан маҳрум этиш ёки миқдорини камайтириш ва б.) қўллаш имкониятини истисно қилмайди (ОС Пленумининг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарорининг 31-банди).

Бироқ мукофотдан мукофотнинг фарқи бор! Бизга маълумки: мукофот тўлаш ёки ундан маҳрум қилиш, шунингдек унинг миқдорини камайтириш масаласи локал тартибда ҳал қилинади. Шу билан бирга бир ҳолатда меҳнат қонунчилиги интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимни рағбатлантириш чораларига тўғридан-тўғри таққини ўз ичига олади. Бу меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилмаган ишдаги муваффақиятлар учун «бир марталик» рағбатлантириш чораларига тааллуқли (МК 180-м. 4-қ.). Буни қандай тушуниш керак?

Гап шундаки, «мукофот» каби тушунчани иккиёқлама талқин қилиш мавжуд. Бир томондан, мукофот ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг бир қисми ҳисобланади, бошқа томондан – меҳнат учун рағбатлантириш. Мукофот тўлашни тўғри қўллаш ва расмийлаштириш учун ушбу тушунчаларни аниқ чегаралаш лозим.

Мукофот меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг бир

ИШ БЕРУВЧИ ЭЪТИБОРИГА

қисми сифатида – бу локал норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантириш тусидаги пул тўловлари. Ва кўрсаткичларни бажараётган ва мукофотлаш шартларига риоя қилаётган ходим уни олиш ҳуқуқига эга.

Иш берувчи ходимларни меҳнатда эришган алоҳида ютуқлари (режани ошириб бажариш, рационализаторлик таклифлари) ёки корхонада узоқ муддатли ва бенуқсон иши учун **бир марталик** рағбатлантириш рағбатлантириш мукофотлар эса рағбатлантирувчи мукофотлар дейилади. Шунингдек, бир марталик рағбатлантиришлар жумласига ташаккурнома, қимматбахо соғва, санаторийга йўланма ва ҳ.к. каби унинг пулсиз шакллари ҳам киритиш мумкин. Айнан шундай рағбатлантириш, агар сўндирилмаган интизомий жазоси мавжуд бўлса, ходимга тўғри келмайди.

- **Интизомий жазо даври қанча давом этади?**

- Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб 1 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичиде яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади (МК 183-м. 1-қ.). Сўндирилиш бир йил ўтгач автоматик тарзда рўй беради, шу боис бунинг учун алоҳида буйруқ чиқариш зарур эмас.

Шунингдек, иш берувчи интизомий жазони:

- > ўз ташаббуси билан;
- > ходимнинг илтимосига биноан;
- > меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра муддатидан олдин олиб ташлаши мумкин (МК 183-м. 2-қ.).

Бу ҳолда буйруқ зарур.

Интизомий жазо вақтида ходим мукофотдан маҳрум қилинган ҳолатда, рағбатлантиришни тўлаш унинг амал қилиш муддати тугагач ёки жазони муддатидан олдин олиб ташлаш тўғрисида буйруқ чиқарилган пайтдан эътиборан тикланади.



ЯММТда ишлаймиз

1 сентябрга қадар кадрлар бўлими ходимлари ташкилотлардаги барча ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ЯММТга киритиш бўйича ишларни якунлашлари лозим. Vuxgalter.uz «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро-дарстурий аппарати комплекси бошқармаси дирекциясининг тушунтиришларига асосан кўп учрайдиган 10 та саволга жавоб тайёрлади.

1 Хусусий ташкилот ЯММТда меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиши шартми?

– 2020 йил 1 январдан бошлаб меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳужжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий ҳисобланади.

2 Ходимнинг олий маълумоти тўғрисидаги маълумотларни киритишда таклиф этилаётган рўйхатга ходимнинг дипломи бўйича зарур мутахассислиги (факультети) киритилмаган.

– Барча ходимлар бўйича маълумотларни киритинг. Кейин бундай муаммолар юзага келган ходимлар рўйхатини тузинг. Рўйхатда мажбурий тартибда қуйидаги маълумотлар келтирилиши лозим: олий ўқув юртининг номи, қайд этилмаган мутахассислик (факультет), олий ўқув юртига қабул қилинган йили ва ўқишни тамомлаган йили. Рўйхатни шахсий ҳабар орқали «Электрон меҳнат дафтари» Телеграм-гуруҳи администраторларига юборинг. Улар техник носозликларни бартараф этиш бўйича чораларни кўрадилар.

3 Ташкилотда штат жадвали бўйича бўлимлар мавжуд эмас, уларни тузиш лозими?

– Йўқ, тузиш шарт эмас. Дарҳол иш ўринларини яратиш ва меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказишга киришиш мумкин.

4 Ходим бир ташкилотда иккита лавозимда: биттасида – асосий иш жойи бўйича, иккинчисида – ўриндошлик бўйича ишлайди. ЯММТда бундай ходим билан меҳнат шартномаси қандай рўйхатдан ўтказилади?

Қачон таътил стажга қўшилади

Ходим 20.02.2020 йилда ишга қабул қилинган ва 26.05.2020 йилдан ишдан бўшатиляпти. Бунда у 30.03.2020 йилдан 22.05.2020 йилгача иш ҳақи сақланмайдиган ҳолда бериладиган таътилда бўлган. Мазкур ҳолатда фойдаланилмаган таътил учун компенсацияни ҳисоблашда ходимнинг корхонадаги иш стажига қандай ҳисобланади?

– Сизнинг ҳолатда фойдаланилмаган таътил учун компенсация ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимнинг корхонадаги иш стажига қуйидагилар киритилади (МК 142-м.):

- ходим ҳақиқатда ишлаган вақти;
- иш ҳақи сақланмаган ҳолда икки

ҳафтагача бўлган муддатга бериладиган таътил даври.

Сизнинг ҳолатда иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил 2 ҳафтадан кўп бўлган ва 54 календарь кунни ташкил этган. Бинобарин, умумий қоидага кўра, у меҳнат таътили ёки фойдаланилмаган таътил учун компенсация

– Фақат асосий иш жойи бўйича тузилган меҳнат шартномаси рўйхатдан ўтказилишининг ўзи етарлидир.

5 Ходим айнан битта ташкилотга икки марта ишга кирган. Биринчи шартнома 2010 йилда тузилган ва 2015 йилда бекор қилинган. Иккинчиси 2018 йилда тузилган бўлиб, ҳозирда ҳам амал қилмоқда. Бундай ходимни ЯММТда қандай тўғри рўйхатдан ўтказиш керак?

– Аввало меҳнат шартномасини ёки қўшимча битимни (агар ишга қабул қилинган пайдан буён лавозимлар ўзгарган бўлса) рўйхатдан ўтказиш орқали ходимнинг ҳозирги лавозимини рўйхатдан ўтказиш лозим. Бундан кейин «Ушбу ташкилотдаги аввалги лавозимларини қўйиш» бўлими орқали 2018 йилдан бошлаб (агар лавозимлар ўзгарган бўлса) аввалги лавозимларини киритиш лозим.

Ташкилотда 2010–2015 йилларда ишланган даврга келадиган бўлиш, бюджет ташкилотлари ушбу маълумотларни мажбурий тартибда, нобюджет ташкилотлари эса ўз хоҳишига кўра киритиши лозим. Рўйхатдан ўтказиш «Бошқа ташкилотдаги меҳнат фаолиятини қўйиш» тугмаси ёрдамида амалга оширилади. Мазкур бўлимда ишга қабул қилинганлиги, бошқа лавозимга ўтказилганлиги (агар мавжуд бўлса) ва ишдан бўшатирилганлиги кўрсатилади.

6 ЯММТ тизимида ушбу ташкилотдаги (номи, манзили ва бошқалар) ёки ходимларнинг шахсий маълумотларидаги ўзгаришлар (масалан, фамилиясининг ўзгариши) қўшимча битимлар билан расмийлаштирилиши керакми?

– Йўқ, ҳозирча керак эмас. Яқин кунларда янги функция ишга туширилади – бундай маълумотлар ўзгаририлганда автоматик тарзда қўшимча битимлар расмийлаштирилади.

7 Яратилган иш ўрни бош саҳифада чиқмаётган бўлса нима қилиш керак?

– «Барча бўлинмаларни очиш» тугмасини босинг. Бундан кейин яратилган барча иш ўринлари ва рўйхатдан ўтказилган меҳнат шартномалари очилади.



8 Меҳнат шартномаси бекор қилинган ва бу ҳақдаги маълумотлар ЯММТга киритилган. Бироқ у ЯММТнинг бош саҳифасида амал қилаётган ҳужжат сифатида акс этмоқда.

– МКга мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинган кун сўнги иш кунни бўлганлиги сабабли шундай ҳолат юзага келяпти. Ходим иш кунини охиригача ишлаб бериши лозим, у билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги кейинги кун автоматик равишда «Меҳнат шартномалари архиви»га тушади, яъни тизимдаги бош саҳифада акс этмайди.

9 Жисмоний шахснинг аввалги меҳнат фаолияти (бошқа ташкилотлардаги меҳнат фаолияти) тўғрисидаги маълумотлар киритилганда, «Тасдиқланмаган» ёзуви чиқаяпти.

– Бугунги кунда ташкилотнинг кадрлар бўлимидан барча маълумотларни тўғри киритиш талаб этилади. Натижада тизимдаги ишлар охиригача бажарилади ва унинг функционали ходимнинг аввалги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлашга имкон беради.

10 Ходимни ЯММТда қандай тўғри расмийлаштириш мумкин: ушбу ташкилотга ишга қабул қилинган ҳозирги лавозимидан бошлабми ёки дастлабки лавозимидан бошлаб?

– Ҳозирги лавозимидан бошлаб. Ходимни расмийлаштиришда ушбу лавозимга қабул қилинган сана ва меҳнат шартномаси ёки ушбу лавозимга қабул қилинганлик тўғрисидаги қўшимча битим рақами кўрсатилади.

ҳисоблашда қабул қилинадиган иш стажига киритилмайди.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёки меҳнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати 2 ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат ста-

жига қўйиш назарда тутилиши мумкин. Мазкур ҳолатда иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган бутун таътил даври фойдаланилмаган таътил учун компенсацияни ҳисоблаш учун ҳам қабул қилинади.

Азизахон Тошхўжаева,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Иккисолий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛЖЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўча, 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муносабат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўса бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳорис келишган нарҳда.
Буюртма г-622. Адади 550. Газета 2020 йил 22 июнь соат 16.00 да топширилди.